



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛД СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1999 йил 16 сентябрь пайшанба
Соғувда эркин нархда
№ 184 (2222)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Қарор ва ижро ПАХТА ЙИГИМ- ТЕРИМ МАВСУМИ БОШЛАНДИ

Бу йилги пахта мавсумида республикамиз хўжалиқларида ҳар қачондан мўл ҳосил етиштирилади. Айни пайтда мамлакатимизда «оқ олтин»ни нест-нобул қилмасдан ўз вақтида йиғиб-териб олини, ёғин-сочин кунларга қолдирамасдан сарияжомлаш, пахтакорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун белгиланган зарур чора-тадбирлар ижтимоий бўлиб амалга оширилади. Шу мақсадда республика Вазирилар Маҳкамаси қарор қилди «1999 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» эи қарори ҳам аини мўддао бўлди. Маъмур қарорда тегишли идора ва ташкилотларга, хусусан, республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги зиммасига бир қанча муҳим вазифалар юклатилган.

Ҳўш, бу борадаги ишлар қандай амалга оширилмақда? Вазирлик мавсумга қандай тайёргарлик кўряпти? Умуман, бу йилги пахта йиғим-теримининг кўнгилдагидек ўтиши учун барча шароит яратилганми?

Ушбу саволларга Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги пахтачилик бошқармаси бошлиги Абдуразоқ ҚАЮМОВ қуйидагича жавоб беради:

— Бу йил ҳам пахтакорларимиз баҳор ва ёз ойларидаги табиий ноқулайликларга қарамай, далада мўл ҳосил тушлашга эришди. Мутахассисларимиз фикрига қараганда, пахтазорларимизда давлат мажбуриятини бажариш учун етарли ҳосил тушган. Айни кунларда бир қанча туман ва хўжалиқларда йиғим-терим ишлари қизғин бошлаб юборилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асосий экани бўлган «оқ олтин»ни ўз вақтида йиғиштириб олишга жиддий ҳозирлик кўрилди. Пахта терим машиналари ва башқа техник воситалар мавсум олди тайёргарлик ишларидан сифатли ўтказилди. Хўжалиқимизнинг бу борадаги қарориде қўзғатилган ташкилий тадбирлар ҳам тўлиқ амалга оширилди. Йиғим-теримни қисқа муддатларда ва ноубудгарчиликсиз ниҳосига етказиш, тушган ҳосилни сақлаш ва керакли жойга етказиб бериш учун барча имкониятлар мавжуд.

Вазирлигимиз «Ўздапахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўқишлоқхўжалиқтаниёттузатиш» давлат-кооператив кўмитаси, «Ўқишлоқхўжалиқ-хўжалиқ» холдинг компанияси ва башқа идоралар билан пахта йиғим-теримини биргаликда ўтказиш учун талай чора-тадбирларни ишлаб чиқди. Қорақолпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, қишлоқ хўжалиги қорхоналари раҳбарлари ва мутахассисларнинг зиммасига бу борадаги долзарб вазифалар юклатилган.

Шу кунларда бир миллион гектардан ортиқроқ майдонда гуза баргини сунъий тўктириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу тадбир ҳосилнинг ўз вақтида сифатли йиғиштирилиб олинишини, терим машиналарининг агротехник талабларга мувофиқ бир маромда ишлашини таъминлайди. Ушбу мавсумда 3,5 мингта пахта терим машинасидан унумли фойдаланиш кузда тутилган. Шундан 491 таси горизонтал шпиндел-

ли «Кейс-2022» машиналари бўлиб, уларга пахта пайкаллари сифатли қилиб тайёрлаб берилиши керак. Ҳозирда ана шу русумли машиналар учун зарур пахта майдони ажратиб берилмоқда. Уларнинг ҳар бири билан мавсум давомида 400 тоннадан кам бўлмаган микдорда пахта териб олиш режалаштирилган.

Чет эл машиналарига сервис хизмати кўрсатиш далаининг ўзида амалга оширилади. «Ўқишлоқхўжалиқтаниёттузатиш» давлат-кооператив кўмитаси, «Ўқишлоқхўжалиқ-хўжалиқ-холдинг» холдинг компанияси томонидан бу борада тегишли ишлар олиб боришмоқда. Улар пахта терим машиналари ва башқа техниканинг беникусон ишлаши учун масъул: двигателлар, узеллар, агрегатлар ва уларнинг эҳтиёт қисмларини етказиб беради.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳосилни ўз вақтида, ёғин-сочинли кунларга қолдирамасдан, тез ва сифатли йиғиб-териб олиш дарида механик-ҳайдовчи ва теримчиларни моддий рағбатлантириш, улар билан ҳисоб-киتابнинг ҳар беш кунда амалга оширишига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бинобарин, ҳўжалиқимиз қарориде икки қаторли вертикал шпинделли пахта терим машинасида терим бир тонна пахта учун — камиде 200 сўм, турт қаторли машинада терилган пахта учун — камиде 130 сўм, икки қаторли горизонтал шпинделли машинада терилган пахта учун 100 сўм, қўлда терилган 1 килограмм ўрта тодали пахта учун камиде 8 сўм, ингичка тодали пахта учун камиде 9 сўмдан ҳақ тўланиши кузда тутилган.

4 миллион тоналлик улкан хирмонни бунёд этишда, шубҳасиз, теримчиларимизнинг хизмати ҳам катта бўлади. Жорий йилда улар брдамида 3,5 миллион тонна пахта саранжомлаб олинади. Ҳозирги кунда теримчиларга зарур барча анжом ва жиҳозлар тахт қилиниб, хўжалиқларга етказиб берилмоқда.

Деҳқонларимизни қўнғиртирадиган томони шундаки, давлат шартномасини бажарганидан сўнг терилган ҳар бир мисқол пахта толасига уларнинг ўзлари оғалик қилади. Бу мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини тўқ итқисодий муносабатлар чуқур кириб бораётганини, деҳқонларимиз орасида ҳам мулкдорлар сони ошаётганидан далолатлар.

Олим НОРЕБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Н. Аҳмедовни Ўзбекистон Республикаси
Давлат геология ва минерал ресурслар
қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида

Нурмухаммад Аҳмедов Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг раиси этиб тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 15 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИК КУНИ НЬЮ-ЙОРКДА ҲАМ НИШОНЛАНДИ

Шу йилнинг август ойи охирида Нью-Йорк шаҳри мэрининг қарори билан 1999 йил 1 сентябрь шаҳарда «Ўзбекистон мустақиллик куни» деб эълон қилинди.

Бу қувончли хабар тўғрисида байрам арафасида Ўзбекистон Республикасининг Нью-Йоркдаги Бош консулхонасига шаҳар мэри Рудольф Жудиани томонидан юборилган хатда маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик кунининг 8 йиллик байрами кенг нишонланаётган пайтда, кўплаб меҳмонлар, яъни Нью-Йоркда рўйхатдан ўтган дипломатик корпус, жамоатчилик ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва бошқалар иштирок этган БМТ Бош Ассамблеясига қарашли бўлган ажойиб залларнинг бирида, шаҳар мэри томонидан имзоланган «прокламацияни» мэриянинг вакили тантанали равишда топширди.

Унда, жумладан, шундай дейилди:

«Урта Осиёда жойлашган Ўзбекистон ўзининг бой тарихи ва кўплаб меҳмоний обидалари, хусусан, Самарқанд, Тошкент, Бухоро ва Термиз каби тарихий шаҳарлардаги ноёб ёдгорликлари билан дунёга машҳур.

Ўзбекистон жаҳон қадимий цивилизациясининг ажралмас бир қисмидир.

Шунингдек, Ўзбекистон ўзининг ер ости табиий бойликлари, бундан ташқари, миллий тўқимачилик саноатининг ўзаги ҳисобланмиш пахта, ипак ва жуни билан ҳам яхши танилган.

Нью-Йорк шаҳрининг ўзбек миллиатиға мансуб аҳолиси бой маданий меросга эга бўлиб, шаҳар ҳаёти ва маданиятининг ривожиде ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мен, яъни Рудольф Жудиани, Нью-Йорк шаҳрининг мэри, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллик тантанаси ниҳоятда муҳим аҳамият касб этишини эътиборга олиб, 1999 йилнинг 1 сентябрийи Нью-Йорк шаҳрида «Ўзбекистон мустақиллик куни» деб эълон қиламан».

Маълумки, Нью-Йорк дунёнинг энг йирик шаҳарларидан бири бўлиб, бу ерда 9 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шаҳарни нафақат АҚШ, қолаверса, бутун жаҳоннинг тижорат пойтахти деб бежиз айтишмайди. Бу ерда йирик халқаро ташкилотларнинг, фирма ва банкларнинг қароргоҳлари, бир неча юзлаб театрлар ҳамда ўқув юрталари жойлашган.

1 сентябрийи Нью-Йоркда «Ўзбекистон мустақиллик куни» деб эълон қилиниши, халқаро майдонда Ватанимиз оёбўри йилдан-йилга тобора ошаётганидан, ўзбек-америка муносабатларининг янада кенгайиб, мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Ойбек РАЗЗОҚОВ,
«Жаҳон» АА.



ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН

Зардўзлик ҳақида сўз кетса, оддий ипу зар билан санъат асары яратаетган бухорлик аёллар кўз ўнгимизда намоён бўлади. Шаҳнозагон Шарипова ҳам қўлиға чеғарлардан. Мана, бир неча йилларки, у момолари ардоқларини касб — зардўзликни қадрлаб келади. У меҳнат қилаётган «Бухоро

зардўз» ҳиссодорлик жамъиятида 165 халдаги турли сўзаналар, кашталару назалар тиклаётир. Маҳсулотларининг харидорчилиги ҳар йили қорхонаға миллионлаб даромад келтирмоқда. СУРАТДА: зардўз Шаҳноза Шарипова. Тохиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

САЙЛОВЛАРГА АТАЛГАН НАШРЛАР

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига мувофиқ 2000 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Президентини, 1999 йил 5 декабрда эса Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар ўтказилади. Сайловларга пухта тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш таъминлаш кўп жиҳатдан сайлаш ва сайлашни ҳуқуқига эга бўлган барча фуқароларнинг ўзларининг бу борада Конституциямизда ва сайловлар тўғрисидаги қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва бурчларини нечоғли яхши англашлари ва виждонан адо этишларига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси «Ўзбекистон» нашриёти шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда сайловлар тўғрисидаги қонунлар, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонундан иборат тўпламни кўп нусхада чоп этди. Нашриёт сайловларга даъват этувчи безакли плакатлар ҳам чиқарди. (ЎЗА)

САЙИЛГОҲДА — КОРЕЙС МИЛЛИЙ МУСИҚАСИ


тажквандо курашидан намуналар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Қисқаси, корейс миллий удумлари, муסיқаси ва анъанави халқ ўйинлари ўзбекистонлик томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда. Корей Республикаси маданияти кунлари 18 сентябрьгача давом этади. (ЎЗА)

«Ўзбекистон» нашриёти шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда сайловлар тўғрисидаги қонунлар, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонундан иборат тўпламни кўп нусхада чоп этди. Нашриёт сайловларга даъват этувчи безакли плакатлар ҳам чиқарди. (ЎЗА)

СИРДАРЁДА БИРИНЧИ

Ховос туманидаги Суюн Норкўзиев фермер-хўжалиги вилоятда биринчилардан бўлиб зафар маррасига етди. 10 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 16 центнердан ҳосил кўтарилади. Ҳама далада ҳосил чўчи балаид. Хўжалик аъзолари ялпи ҳосилдорлиқни 32 центнерга етказиш ниятдалар. (ЎЗА)

А. ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.



ҚИРГИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

Бишкекда Қирғизистон жауфизилди кенгаши котиби Б.Жонузоков хавфизилди тузуи матбуот анжумани ўтказди. Унда мамлакат жанубига кириб олган жангарилар байналмилал ташкилотлардан иборат эканлиги таъкидланди. Бу тўралар ўзини турлича номлаши мумкин, лекин уларнинг динга ҳод қандай алоқаси йўқ. Шу боис, Қирғизистон ҳўкумати уларни фақат халқаро террористи деб билади, деди хавфизилди кенгаши котиби.

Б.Жонузоков журналистларнинг саволларига жавоб қайтарган экан, Қирғизистон ҳўкумати ишта солаётган барча чора-тадбирлар Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланаетганини таъкидлади. Ўзбекистондан ҳам маънавий, ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий кўмак олиб турибмиз, деди у.

Хабарларга қараганда, Боткен тумани Зардоби қишлоғи яқинида жангарилар билан ҳўкумат армияси аскарлари ўртасида отишма рўй берган. Жангарилар гуруҳи 20-25 кишидан иборат бўлган. Отишма чоғида қирғиз аскарлари талафот кўрмаган. Жангариларнинг талафоти ҳақида маълумот йўқ.

Айрим маълумотларга қўра, жангарилар майдан-майдан гуруҳларга бўлинган ҳолда ҳаракатланмоқда. Улар Боткен тумани маълумий марказидан 20-25 километр узоқлидаги жойларда ҳам қузатилди, дейилди ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига.

Қирғизистонда мамлакат жанубига юборишни сўраб, ҳарбий комиссарликларга мурожаат қилаётган кўнгиллар сони кўпаймоқда. Бутун республика бўйлаб фуқароларнинг фаол-

лиги ва қатъияти яққол қўзғата ташланаётир. Мулофаа вазирлигининг хабарига қўра, Чун-Олой туманида жойларни минлардан тозалаш ишлари якунланган. Айни пайтда мамлакат худудини босқинчи тўдалардан бутунлай тозалашга ҳозирлик қўрилмақда. Бу борада тегишли вазирлик ва идораларнинг саъй-ҳаракатлари мувофиқлаштирилиб турибди. Мамлакат жанубидаги вазият ҳўкумат қўшинларининг тула назорати остида. ***

Уш виллоятга мамлакатнинг бошқа минтақалари ҳамда халқаро муруват ташкилотларидан инсонпарварлик ёрдамлари келиши давом этмоқда. Қирғизистон Жўқўру Кеңеши депутатлари мамлакат фуқароларини ўз ватанлошларига моддий ва молиявий ёрдам кўрсатишга даъват қилди.

14 сентябрь кунин Қирғизистон ҳамда АҚШ вакиллари ўртасида республикаға 200 тонна буюд ақратиб тўғрисидаги битим имзоланди.

Қирғизистон жанубидаги воқеалар қўшини Хитой раҳбариятини бефарқ қолдираётгани йўқ. Пекинда ушбу мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Сун Юйси баёнот бериб, Хитой ҳўкумати ушбу танлиқдан жиждий ташвишда эканини айтди.

Хитой ҳўкумати диний экстремизм ва террорчиликнинг ҳар қандай кўринишини кескин қоралайди ва шу маънода Қирғизистон ҳўкуматынинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди, деди С.Юйси.

Н.МУХАММАДИЕВ,
А.БОБОЕВ тайёрлади.
(ЎЗА)

ТААЖЖУБ

АДОЛАТ — ТАБАРРУК СЎЗ

ультиматум мuddати тугаб, Тожикистон томонидан Қирғизистон худудига ўтган босқинчиларни тутатиш тадбирлари бошланибди. Қирғизистон ҳарбийлари маҳаллий аҳоли ва ички ишлар бўлимлари билан ҳамкорликда бошланган бу тозалаш операциялари дастлабки самараларни бераётганлиги барчамизни қувонтиради. Ахир, разолат чекинса, адолат тантана қила бошласа, қувонмай бўладими?!

Лекин шу воқеалар жараёнида ўзини кўрсатаётган айрим сурбегларча хатти-ҳаракатлар кишини гоёта таажжубга солади. Чунотчи, хоризда паноҳ топан айрим сохта адолатпарварлар Қирғизистон худудига тозалаш операцияси пайтнда қўлга тушган босқинчиларга нисбатан муруват сўраб, уларга ҳарбий асирлар каби муносабатда бўлиш талаби билан Қирғизистон ҳўкуматиға мурожаат этмоқдалар. Бунисиға нима дейсиз?

Мана, дегирли қирқ кундан ошангитки, маъмур қароқчи тўдалар қўшини Қирғизистон худудининг бир қисмида қўлидан келган бемаънигарчиликларни қилиб юрибди. Бир неча қишлоқларни улар оёқ ости қилишди. Минглаб одамлар бор тирикчилигини, уй-жойларини ташлаб, босар-тусарини билмаётган бу тўдалар зуғумидан бошини омон сақлаш учун тинчроқ худудларга бош олиб кетмоқдалар. Аммо бу безомликни кўра-била туриб, хоризжаги сохта адолатпарварлар сукут сақлаб келишмоқда. Энди

уз ҳомийлигидаги бир неча қароқчи, қуролли безорилар улардан ўз худудини тозалаш учун курашаётган Қирғизистон ҳарбийлари қўлиға тушганида, бирдан гафлат уйқусидан уйғонишиб, адолат, муруват деган қалималарға тили айлиниб қолди уларнинг.

Афсусланарли томони шундаки, ҳар қандай табаррук қалима ҳам, ўз ўрнида ишлатилмаса, исталган бесуж тили уларни айтиб айланаверса, бу сўзлар мис чачқачалик қадрга эга бўлмай қолади. Ахир, кинга муруват, шавфқат қилишни сўрашмоқда? Қўлиғини қилиб, ўзга юрт тупроғини бадном этиб, беғуноҳ одамларни қатл қилиб, минглаб кишиларни ватангадоликка юз туттирган бу манфур кинсалар муруват, шавф-

қатта лойиқми? Нега бу «адолатпарварлар» ўзгалар ерини разолат қароргоҳига айлантирган кинсаларни ўз қаноти остиға олапти? Нега уларнинг дастидан бошлансанглик азоб-ўқубатига дучор бўлган қирғиз қишлоқларидаги аҳолининг ситамлари заррача бўлин, бу «адолатпарвар»ни шу пайтгача қилчалик безовта қилмади? Қани чинакам адолат? Қани ҳалолик, виждон ва аймон?!

Бизнинг фикримиз шу: Аллоҳ таоло музтаффар офтоб остида яратган улуг тириклик, ёруғ ҳаёт, меҳнат ва бунёдкорлик билан шу тирикликни гуллаётган одамзод қораниятлардан заҳа тортмаслиги керак. Қирғизистон ҳўкуматынинг қарори жуда тўғри: қўлга тушган террорчилар амалдаги тузумға қарши қўлга қурол олиб жанг қилган жиний кинсалар сифатида қонун олдида жавоб беришлари керак. Мана бу, адолатнинг худди ўзи бўлиши.

М. САФАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АНИҚ ТЎП УЗАТИШ — ЯРИМ ГАЛАБА

«Юнусобод» кортларида давом этаётган йилнинг энг нуфузли турнирларидан бири — Президент кубоги мусобақаларининг биринчи босқичи нихосига етди. Айниқса, катта ракетка усталари орасида тождорликка даъво қилаётган россиялик теннис юлдузи Евгений Кафельниковнинг юксак савияда ўйин намойиш этгани муҳлислар олқишига сазовор бўлди. Қуръа натижаларига кўра Евгений ватандоши Андрей Черкасов билан рўбарў келди.



Қизғин шундаки, Андрей илдам ҳаракатлари билан Кафельниковдан кўра «йўлбарс»га муносиб қаршилик кўрсата олди. Ҳатто биринчи сетда рақибини бироз саросимага солиб, галаба ҳам қозонди — 6:1. Аммо Евгений ҳозирда бежиз дунё теннис таснифидан иккинчи сетда рақибини билан биринчи сетни ютуқ билан ажунлади — 6:4. Кейинги сетларда эса оғриқ кучаяётгани унинг ҳаракатларидан сезила

эканлиги маълум бўлди. Шундай бўлса-да, ёш спортчи мустақам иродасини намойиш қилиб, томошабинлар қарсақлари остида кортга тушиб ва биринчи сетни ютуқ билан ажунлади — 6:4. Кейинги сетларда эса оғриқ кучаяётгани унинг ҳаракатларидан сезила

бошлади. Шу тариқа иккинчи сетни бой берди — 5:7. Ва ниҳоят, врачлар билан маслаҳатлашган Марат ҳал қилувчи учинчи сетни курашсиз тошдириди.

Хамюртларимиз Олег Огородов ва Дмитрий Томашевичлар мағлубиятидан кейин бор умидимиз Вадим Куценкодан эди. У чехиялик Даниел Вацек билан баҳс бойлади. Албатта, Вадим ушбу тажрибали спортчиға умумий ҳисобда ютқазган бўлса-да, бир сетни ўз фойдасига ёзиб, ҳали унинг юлдузи онлари олдинда эканидан барчани оғоҳ этди.

Биринчи босқичнинг қолган учрашувларида қуйида-

ги натижалар қайд этилди: Лоренсо Манга (Швейцария) — Жан Ван Лоттум (Голландия) — 7:6(1), 6:3; Сесил Мамит (АҚШ) — Александр Швец (Белорусь) — 6:4, 6:1; Рогер Федерер (Швейцария) — Седрик Пиолине (Франция) — 6:4, 6:3; Питер Весселс (Голландия) — Жулиен Боутер (Франция) — 3:6, 6:4, 6:2; Аксел Претз (Германия) — Мосе Наварра (Италия) — 3:6, 7:6(5), 6:4; Антони Дюпуис (Франция) — Владимир Волчков (Белорусь) — 6:2, 6:4; Лауренс Телеман (Италия) — Грег Рузетски (Германия) — 6:3, 6:4.

Демак, иккинчи босқичда 16 нафар спортчи баҳсларни давом эттиради. Албатта, дастлабки ўйинда Карл Кучеро, Седрик Пиолине, Грег Рузетски, Марат Сафин, Ян Кроллак сингари теннис юлдузларининг мағлубиятга учраши кўпчилик учун кўтилмаган ҳол бўлди. Нима ҳам дердик, омад ҳамма вақт ҳам келвермайди, деганлари шу бўлса керак-да.

Озод РАЖАБОВ,
Нўрмонжон МУҲАММАДЖОНОВ
(суратлар),
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Самарқанд вилояти, Тайлоқ туманидаги «Богизагон» ижара хўжалиги ёшлари ажойиб совға олди. Хўжалик марказида барча талабларга жавоб берадиган янги стадион фойдаланишга топширилди. Шу мақсадда қарийб бир миллион сўмлик маблағ сарфланди. Кўпгина ишлар ҳашар йўли билан битказилди.

Янги стадионнинг тантанали очилиш маросими турли қизиқарли

СТАДИОНДА
ТАНТАНА
ИНИ

ўйинлар, спортчиларнинг кўргазмалари чиқишлари, санъаткорлар ижросидаги куй ва қўшиқларга уланиб кетди. Вилоят кубоги учун беллашувнинг финал босқичида Жомбойнинг «Олтин бошқоқ» ва Оқдарёнинг «Оқдарё» жамоалари ўзаро куч синашди. Унда жомбойликлар 3:1 ҳисобида галабага эришти.

Ҳамза ШУКУРОВ,
Ўза мухбири.


УСТА

Кўҳна ва ҳаммаша навқирон Хива шаҳри қадим-қадимдан осмонўпар минораларию, қўлиғул хунармандлари билан доврўқ қозонган.

Ичонқалъалик Шокиржон Абдулаев ота-боболари касбини улуглаб келаятган хунармандлардан ҳисобланади. Унинг қўлида сайқал топаётган хоразмча чўғирмалар йигитларга кўрку савлат бағишлайди.

СУРАТЛАРДА: асрлардан сўзлар миноралар; уста Шокиржон Абдулаев.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ
олган суратлар.



«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати:

М. ЕГОРОВ
(масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДИНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сўбей хайъат — 133-57-34;
Хўжук — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85;
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро хайъат — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 0726, 23709 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. ҚОҒОЗ БИЧИМИ А—2

Газета PENTIUM-III компьютерда терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамилд ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.


Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.
Навбатчи — А. ЖУРАЕВ.
Муасхих — Ш. МАНРАББОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қўғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топшириш — 22.10
1 2 3 4 5 6



Тиббиёт

Тошкент шаҳридаги омборхонадан
«Газ-24», «УАЗ», «Москвич»,
«КамАЗ», «МАЗ», «ГАЗ-53», «ЗИЛ»
Автомашиналари учун
1000 хил турдан зийд
МЧЖ «Марел» ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР
Турли чегирмалар тизими қўлланади.
Тел.: (371) 136-26-93.

Реклама Ва
Эълонлар
136-09-25

ЭП САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

республика ихтисослашган йирик бўғимлар ва қўл бармоқларини қайта тиклаш жарроҳлик маркази шифокори Абдуқаҳҳор Бобоқулов билан сўхбат

— Шифохонамизда, асосан, йирик бўғимлар ва қўл бармоқлари жароҳатлари ва уларнинг асоратлари даволанади, — дейди А.Бобоқулов. — Бундан ташқари, суяклардаги ўсмавларни кесинч йўли билан ҳам даволаймиз. Ўрта Осиёда ягона саналган марказимизда бошқа тиббиёт марказларида қўлланилмаган даво турлари ҳам мавжуд. Масалан, шу кунгача тўрт юз нафардан зиёдроқ беморни чаноқ сон бўғимига сунтий бўғимлар қўйиш йўли билан муолажа қилдик. Ортопедик касалликларга замонавий Елизаров мосламаси қўйилади. Мамлакатимизда ягона бўлган «Артракул» ёрдамида тизза бўғимларини кесмасдан даволаш усули ҳам айнан бизнинг шифо масканимизда ташкил этилган.

— Бўлимда бир вақтнинг ўзида қанча бемор даволаниши мумкин? Уларга яратилган шарт-шароитлар, дори-дармон таъминоти ҳақида нима дея оласиз?
— Қўл ва бармоқларни қайта тиклаш бўлимимизда 60 бемор ўрни мавжуд. Шароитимиз қўлай, хоналар кенг, ёруғ ва шинам. Турғи, баъзан айрим дори-дармонлар таъминотининг узалиб қолиш ҳодислари ҳам учраб туради. Аммо бу билан ишимиз тўхтаб қолгани йўқ. Қўлимиздан келгунча даво чораларини қўллаяپмиз.

— Хорижий давлатлар билан тажриба алмашиш мақсадида ҳамкорлик қилияптими?
— Албатта. Яқинда устозимиз, профессор

Шаҳоб Ҳамроев ва бўлим врачлари Нигора Назаровалар Америка Қўшма Штатларида бўлишиб, уч ой давомда уларнинг иш тажрибаси билан ўртоқлашиб келишди. Бугун биз бошқа мамлакатлардан нафақат ўрганаёпмиз, балки ўргатаёпмиз ҳам. Мен 1998 йилда Ҳиндистоннинг Киртами госпиталида травматолог-ортопед бўлиб ишладим. Очиги, улар тиббиёт соҳасида кўп томонлама билидан орқада.

— Муастаклик туфайли тиббиёт соҳасида қандай ўзгаришлар рўй берди?
— Кейинги пайтларда республикамизнинг чекка қишлоқларида ҳам замонавий тиббий хизматни ташкиллаштириш, ходимларнинг касб малакасини оширишга катта эътибор берилаяпти. Қолаверса, чет мамлакатлар билан ҳамкорликнинг ривожланиши учун катта йўл очилди. Нафақат бизнинг, балки барча шифо масканларига даволанишнинг замонавий технологиялари кириб келмоқда. Бунинг ҳаммаси муастаклик туфайли, деб биламан.

— Келгусидаги режаларингиз қандай?
— Бугунги қилаётган ишларимизни такомиллаштириш. Яъни, бўлимларимизни кенгайтириб, юксак самарали тиббий техника воситалари билан бойитиш, асосийси даво истаб келган беморларга ҳар қандай шароитда ҳам ёрдам кўрсатиш чоралари тўғрисида бош қотираман.

— Табиатан камгап бўлган бу инсон билан савол-жавобимизни яна давом эттирмоқчи эдик. Аммо сўхбатимизни эшикдан шовилчиқ кирган ҳамширанинг: «Доктор, тезроқ юрнинг, оғир аҳволдаги беморни келтиришди!».

деган сўзлари бўлди. Абдуқаҳҳор ака билан хайрлашгач, у киши даволаётган беморларни сўхбатга чорладик.

— Бухороликман, — дейди Замира опа Мажидова. — Қизим Зарнигорнинг ўнг оёғида жароҳати бор эди. Шифокорларга катта раҳмат. Чин дилдан хизмат қилишяпти. Ҳозир қизимнинг аҳволи анча яхши бўлиб қолди.

— Алар УШАНОВА, Қозғонистон Республикаси, Сариеғоч туманидан:
— Шифо излаб шунча йўлдан келдик. Беш кун олдин оёғимни операция қилишди. Худога шукр, касаллик чекинди. Шифокорлардан мингдан-минг розиман. Тупроқ олса, олтин бўлсин.

— Бизлар Қўшрабат туманиданмиз. Мана шу полвоннинг қўли тирсақ соҳасидан синган эди, — дейди Ўткир Маннонов деган киши ёнидаги 4-5 ёшлардаги болакайни кўрсатиб. — Бўлимдаги барча шифокору ҳамширалардан, айниқса, Абдуқаҳҳор ака ва Элмира опалардан миннатдормиз. Улар ўз туғишларидек хизмат қилишди. Ширин сўзининг ўзи шифо, деган сўзга ишонч ҳосил қилдим.

— Биз Тошкент давлат тиббиёт институти қошидаги 2-клиникадан қайтарканмиз, оппоқ халати кичик жуссасига ярашиб турган, очик чехрали ажойиб инсон, тиббиёт фанлари номзо-ди, травматолог-врач Абдуқаҳҳор ака ва у кишининг барча ҳамкасбларига эзу йилларига муваффақиятлар тиладик.

Илҳом ЮСУПОВ.

European Bank
for Reconstruction and Development

EUROPEAN BANK
FOR RECONSTRUCTION AND DEVELOPMENT
TASHKENT RESIDENT OFFICE (UZBEKISTAN)

16 September 1999

VACANCY ANNOUNCEMENT

The EBRD invites applications from suitably qualified candidates for a position as Analyst at its Resident Office in Tashkent, Uzbekistan. The Analyst will be responsible for project development and monitoring. The assignment is expected to start on or about 15 November 1999 with an initial contract for one or two years, subject to satisfactory completion of a six-month probationary period.

Responsibilities:

Working closely with the Head of Office in Tashkent and headquarters-based operation Team Leaders in London, the Analyst's responsibilities will include: (a) monitoring and reporting on overall sectoral developments in Uzbekistan; (b) contributing to the identification, preparation, appraisal and supervision of EBRD-financed technical assistance and investment projects; and (c) liaising with, and facilitating the EBRD dialogue and relations with government officials concerned, and local representatives of the international development community in Uzbekistan.

Qualification and Experience:

Candidates, who must be citizens of Uzbekistan, should have at least a Bachelor's degree, and preferably also a Master's degree either in finance or business administration with a minimum of two years' experience in financial sector issues and activities in these areas. Familiarity with the operations, policies, and procedures of international financial institutions is also desirable.

Skills required:

- Analytical - familiarity with analytical tools and quantitative methods, and demonstrated ability to analyse financial statements, evaluate business plans, evaluate sectoral policy issues, and prepare monitoring reports;
- Interpersonal - willingness and ability to participate effectively in Bank teams, and to establish productive working relations with government officials at all levels and with the banking and business community; and
- Communications - excellent written and verbal communications skills in English (to be demonstrated by official certificates), Russian and Uzbek are essential.

Candidates with the required qualifications and skills are requested to send their curriculum vitae together with a cover letter, to Mr Kenji Nakazawa, Head of EBRD Tashkent Office, 4th Floor, International Financial and Banking Centre, 1 Turab Tula Street, Tashkent 700003, Uzbekistan.

Tel: +998 (71) 1394014, 1206279, 1206278 Fax: +998 (71) 1442165, 1206121

The closing date for applications is 15 October 1999. Short-listed candidates will be invited for interviews during the second half of October.

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, республика Футбол федерацияси спорт фахрийси, республика Футбол федерацияси ижрокўмитаси фахрий аъзоси
Жура ХОНАЗАРОВнинг вафоти этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва барча яқинларига чуқур таъзия билдиради.

ЎЗР ФАХ Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти раҳбарияти ва жамоаси шу институтнинг бош илмий ходими, А. Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати, геология ва минералогия фанлари доктори
Мамажон ИСМОЙЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласи ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Очиқ турдаги «Кизил тон» акционерлик жамияти жамоаси Ўзбекистон енгил, мебель саноати ва коммунал маншай хизмат ходимлари касба уюшмаси кўмитаси раиси Маъмура Одиловага укаси
Абдуқаҳҳор ПУЛАТОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Янгийўл туманидаги Усмон Юсупов («Халқ-обод») номи дехқончилик-саноат фирмаси жамоаси собиқ бош директор муовини
Жура ХОНАЗАРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ферт Фармасьотикал лимитед» компанияси ва шўъба корхонаси жамоаси бош директор муовини
Норимбой НИШОНОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.